



— Нима бўлганда ҳам барча фаълардан "4" ва "5" га ўқиган ютади. Чунки шу вақт ичида унинг билими, дунёқараши кенгай боради. Столда ўтириб, ўқиш ва ишлашнинг сабр-қаноатини олади.

"ҲАР ИШНИНГ КЕЛАЖАГИ БЎЛСИН"

2-БЕТ

Ғайратдан келади қўлга яхши ном,
Ғайратдан бўлади ҳосил мурод ҳам.
Шундай деб айтганмиш бир соҳиби бахт,
Ғайратдан кифтингда келур тожун тахт.

"ҒАЙРАТ ҲАҚИДА"

3-БЕТ

Дарс қолиб кетиб, менинг муҳокамани бошланди. Нонфуруш пионер бўлиб, бошимни эгиб туравердим. Деярли барча синфдошларим мени қоралашди. Ёнимни олувчи бирорта зот топилмади.

"МЕН ТАНИГАН ОДАМЛАР"

4-БЕТ

ТОШКЕНТ ЧОЛДУЗИ

№ 13
(6575)

19 апрел, 1994 йил
СЕШАНБА
Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон болалари ва ёшларининг газетаси



УЛАРГА ИСТАГИМ

Касбим ўқитувчилик бўлганиданми, мактабда, кўча-куйда ҳам кизларимизни жуда кўп кузатаман. Фақат ўзбек кизларигагина хос бўлган ибод, ҳаё, назокатни кўриб, дилим фахр ва ифтихор туйғулари билан лиммо-лим тўлади. Шולי курмакисиз бўлмаганидек, улар орасида учраб турадиган айрим кизларимизнинг юриш-туришларини кўриб, ранжиб ҳам кетасан киши. Гузалликни фақат ташки кўринишда деб билган бундай кизларимиз, пухта билим олиб, келажак ҳаётга тайёрланиш ўрнига хаёлларини ҳавойи нарсалар билан банд қиладилар. Улар чиройли, қимматбаҳо кийимлар кийиб, атир-упаларга беланиб, ўзларини кўз-кўз қилишни одат қилишган. Бу тоифа кизларимизга қараб, сеvimли ёзувчимиз Шўҳратнинг куйидаги мисралари ёдимга тушади:

Ёшликнинг жилосин бўямай кўрсат,
Бўяш учун ҳам келади фурсат.

Кизларимиз ана шу икки мисрагина шеърнинг маъзини чақиб олсалар, фойдадан ҳоли бўлмасди. Бугунги кизларимиз бўлажак соҳибалар, оналардир. Улар бугунги келажак билан боғловчи бир "кўприк"дирларки, бу кўприкнинг ўта мустаҳкам, ишончли бўлишини, ҳар қандай тўфонларга ҳам бардош бера олишини истардим.

Ўқтамхон УМРЗОҚОВА,
Чортоқ шаҳридаги 1-мактабнинг математика фани ўқитувчиси.

**ТЕЗРОҚ
КАТТА
БЎЛИШНИ...**



Шўҳрат СОДИҚОВ,
7-синф ўқувчиси:

... истамайман. Ўзингиз ўйланг, биз болаларнинг нима гамимиз бор? Ҳеч қандай! Катталарда эса фақат ташвиш: иш, оила, бола-чақа...



Баҳтиёр ТУРСУНОВ, 12 ёш:

... жуда-жуда хоҳлайман. Қаёққа бординг, қаёқдан келдинг, деб ҳеч ким тергамайди. Истаган нарсангни сотиб олаверасан. Бунинг учун маблағ ҳам керак-да, дейсизми? Униси ҳам бўлади. Чунки мен улғайгач, комерсант бўлмоқчиман.

Фотима ШУКУРОВА,
7-синф ўқувчиси:

... яқин-яқинларгача, кўғирчоқларим билан "хола-хола" ўйнаб юрган кезларимда хоҳлардим. Чунки "морознийчи хола" бўлишни орзу қилардим. Энди билсам, ҳар даврнинг ўзига яраша гашти бор экан. Ёшликнинг ҳам, кексаликнинг ҳам. Шундай экан, болалигим болаларча бўлишни хоҳлайман.




ҚАНИ, БЕЛИДАН МАҲКАМ ТУТ

— Қани, шоввозлар, бўш келманглар, — дейди завқ билан спортнинг миллий кураш тури бўйича Ўзбекистон чемпиони Абдуваҳоб ака Данабоев. У қаерда бўлмасин, каттаю кичик ишқибозлари қуршовида қолади. Дил-дилдан суҳбат қуришади. Суҳбатлар муддаоси — миллий кураш турларини халқимиз орасида оммалаштириш.

Абдуваҳоб ака уюштирилаётган кўплаб кураш мусобақаларининг ташкилотчиларидан бўлибгина қолмай, иштирокчисига ҳам айланади. Билганларини, кўп йиллик тажриба ва маҳоратини шогирдлари — ўзи сабоқ бериб келаётган Тошкент давлат физкультура ва спорт олийгоҳи талабалари ҳамда "Абдуваҳоб ака, кураш усулларингиздан кўрсатинг", дея кетидан қолмайдиган кичик полвонлардан аямайди.

Суратда: полвонлик мактабига кириб келаётган бу болакайлар ҳам келгусида устозлари Абдуваҳоб ака Данабоевдек моҳир полвон бўлиб етишиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилсалар, не ажаб!




Р. АЛЪБЕКОВ олган сурат.



Моҳира ТЎЛАГАНОВА,
12 ёш:

... хоҳлайман. Англашимча, мамлакатимиз иқтисодий тиклашда тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг аҳамияти катта экан. Эртақлардагидек, бир думалаб катта бўлиб қолсам, савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланардим.



Нодир ИСМОИЛОВ,
8-синф ўқувчиси:

... хоҳлаб, бокс бўйича жаҳон биринчилиги мусобақаларида иштирок этишни, Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилиб, байроғимизни голибона кўтаришни жуда-жуда истайман.



МУҲАРРИРИЯТДАН: ҳаётимизга турли ўзгаришлар кириб келаётган бир даврда болаларга бироз қийин. Иқтисодий қийинчиликлар, мактаб ва билим олиш борасидаги кўплаб янгиликлар қабул қилишнинг ўзи бўлмайди. Шуларни ўйлаб, биз улардан "Тезроқ катта бўлишни истайсанми!" деб сўрадик. Бу саволимизга Тошкент шаҳридаги 146-мактаб ўқувчилари юқоридагича жавоб беришди. Кўрдингизми, болаларимиз ҳам унча-мунча қийинчиликлардан қўрқимас экан.



— **Фахриддин ака,** республикамизнинг ҳозирги иқтисодий аҳволи, бу борада олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг моҳияти хусусида болаларга мухтасар сўзлаб берсангиз.

— Бу ҳақда болаларга мухтасар эмас, балки кенгрок, такрор ва такрор тушунтириб боришимиз керак. Ҳавоий гаплар, ёлгон ваъдалар, бола деб алдаш — бу социалистчасига фикрлашдан бошқа нарса эмас. Бу бозор — шафқатсиз, тижорат ҳадисини олмай, ишбилармон, тadbиркор бўлмай бир қадам ҳам олга силжиб бўлмайди. Болаларку болалар, баъзи катталар ҳам ҳалихануз бир нарсани яхши иллагаълари йўқ. “Шунча олтинимиз, пахтаимиз бор, мана нефть ҳам отилиб чиқди, ҳаммаси энди ўзимизники, лекин аҳволимиз барибир зўр эмас” дейишади улар осонгина. Тўғри, ер ости ва устки бойликларимиз билан ҳар қанча қувонсак бўлади. Лекин уларни қайта ишлаб, буюм ҳолига келтириш, тайёр маҳсулотларни сотиб, фойда олиш керак деган гап ҳам бор. Бусиз барибир биримиз икки бўлмайди.

Собиқ Иттифоқ парчаланиб, барча завод, фабрикалар турли республикаларда қолиб кетди. Энди ўз ишлаб чиқариш корхоналаримизга эга бўлишимиз зарур. Шу маънода кўпгина чет эл фирмалари билан илгор технология ва қурилмаларга асосланган турли кичик корхоналар қураётганимиз бора-бора республикамизда ишлаб чиқариш муаммосини ҳал қилади. Дарвоқе, шу йил бошида Тошкентда саноатчилар ва ишбилармонларнинг халқаро конгресси кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг МДХ давлатлари ичида ишлаб чиқариш ҳажми пасайишини тўхтатишга эришган ягона мамлакат, деб таъкидлангани ҳаммамизга катта умид бағишлайди. Шунингдек, республикамизнинг Қозоғистон ва

Қирғизистон билан ягона иқтисодий макон барпо қилиш ҳақидаги шартномаси иқтисодиётимизни жадал юксалтириш учун катта имкониятларни очади. Ўртадаги сунъий говлар ўз-ўзидан барҳам бўлади. Ҳисоб-китоб, нарх-наво, савдо-сотик, солиқ борасида ўзаро манфаатли келишув қарор топади. Буларнинг ҳаммаси яқин келажакда иқтисодиётимизнинг оёққа туришини, турмушимиз фаровонлигини таъминлайди.

— **Мактабни битириб ишбилармон, тadbиркор бўламан деган ўқувчига қайси бири биринчи даражали: барча**

ҲАР ИШНИНГ КЕЛАЖАГИ БЎЛСИН

Иқтисод фанлари номзоди, доцент
Фахриддин ака АЛИМОВ билан суҳбат



фанлардан фақат “4” ва “5” га ўқишми ёки шунчаки ўқиб, фермер отаси, дўқондор акаси, савдогар холаси, хунарманд тоғаси ёнида юриб, иш ўрганиш?

— Нима бўлганда ҳам барча фанлардан “4” ва “5” га ўқиган ютади. Чунки шу вақт ичида унинг билими, дунёқароши кенгая боради. Столда ўтириб, ўқиш ва ишлашнинг сабр-қаноатини олади. Китоб ва газета-журналларни ўқиб боришга одат қилади. Сиз айтгандай фақат фермер отаси, дўқондор акаси билан юриб, иш қилса, кўпол қилиб айтганда, “еввойи” ишбилармон бўлиб қолади. Дунё, илм беҳабар кимсадан эса қандай тadbиркор чиқиши мумкин? Бу — Америкада ботинка тозаловчининг қандай қилиб миллионер бўлганлиги ҳақидаги эртақдай гап.

— **Тadbиркор ва ишбилармонлар тилида “синди” ёки “қасодга учради” деган ибораларни тез-тез учратиш мумкин. Бу аини пайтда ўқувчиларни жуда**

қизиқтиради. **Бозорнинг қандай “темир” қонунлари борки, уларга риоя этмаган “синади” ёки қасодга учрайди?**

— Бозор иқтисодиёти шароитида бир кунда бойиб, бир кунда инкирозга учраш ҳеч гап эмас. Буларнинг турли омил ва сабаблари бор. Ҳар қандай маҳсулот ҳам албатта сотиш, фойда ва даромад олиш учун ишлаб чиқарилади. Ким агар кам ҳаражат сарфлаб, кўп маҳсулот ишлаб чиқарса, шубҳасиз, ютади. Бироқ, муваффақият гарови фақат шу эмас. Бунинг учун ишлаб чиқаришни қатъий ҳисоб-китоб, режа ва тежамкорлик билан юритиш талаб этилади. Энг муҳими эса маҳсулот — бозор ва истеъмолчилар талабидан келиб чиқиб пайдо бўлади. Унинг сифати жаҳон андоза-лариға мос келмаса, барча “тоат-ибодат” чақага ҳам арзимаёй қолаверади.

Кўриб турибсизки, таъкидланган бу омиллар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бир-бирини тўлдириб келади. Агар иқтисодий билимга эга бўлмай, ўз соҳангизда жорий этилаётган янгиликларга беэътибор бўлар экансиз, ишингиз орқага кетаверади.

— **Аини пайтда болалар катталар билан юриб, олди-соттини, савдогарликни яхшигина ўзлаштириб олишмоқда ва бу уларга осон ва мўмай пул топиш йўлига айланган. Ахир мавжуд имкониятлардан ишбилармонлик билан фойдаланиб, даромад қилишнинг бошқа соҳалари ҳам бор-ку... Қолаверса, тижорат улар ўйлаганчалик ҳаммабоп, осон “бизнес” эмас.**

— Тўғри, бугунги кунда тижорат ҳаммабоп бўлиб қолди. Лекин, бу вақтинчалик жараён, чунки ҳозир барча маҳсулотларнинг аини тақчил пайти. Бундан кўпчилик бир жойдан нарса олиб, иккинчи жойга сотиш билан

фойдаланмоқда. Ўйлаймизки, ишлаб чиқариш изга тушиб, ўз маҳсулотларимиз пайдо бўлгач, бунга ҳозиргидек эҳтиёж қолмайди. Шунинг учун бизнеснинг энг ишончли, истиқболли йўли — ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишни ташкил этишдир. Болаларнинг эса қуруқ тижорат билан шугулланиб қолишаётганлиги албатта, фожиали ҳолдир. Бу билан улар ўқишдан, фикрлашдан узоқлаша бориб, дунёқарашлари торая боради. Шундан кейин уларни жиддий ишлаб, келажак ҳақида бош қотиришга, меҳнат қилишга жалб этиш амри маҳолдир.

Болаларга ибрат бўлсин деб ушбу мисолни келтирай. Америкалик Барбара Дейл исмли бир киз ўртоқларига доим табрик оқритқаларини ўзи тайёрлар экан. Яъни қаттиқроқ қоғоз олиб, уни иккига букларканда, бир томонига ёзув машинкасида дил сўзларини езиб, бошқа томонига эса чиройликкина қилиб расм чизаркан. Бир куни у ўз оқритқаларини унча катта бўлмаган дўкон хўжайинига кўрсатибди. Қарангки, оқритқалар “кета бошлабди”. Кейин Барбара ўз ишларини санъатга оид китоблар ва турли плакатлар билан савдо қилувчи киоскага олиб боради. Маълум вақт ўтгач, Дейлнинг ишларига қоғоз чикиндиларидан матбаа маҳсулотларини тайёрлашга ихтисослашган компаниялар қизиқиб қолишади. Шу тариқа Дейл ҳам кичик бир компания эгасига айланади. Ҳозирги кунда унинг оқритқалари типографик усул билан кўпайтирилиб, бутун Америкада сотилмоқда.

Мана бунинг тadbиркорлик, ишбилармонлик деса бўлади. Қанийди, бизнинг болалар ҳам шундай истиқболли ишларни ўйлаб топишса.

— **Уларга яна қандай истақлар билдирасиз?**

— Доимо ўқтам, ҳаракатчан бўлишсин. Ҳар қадамда, ҳар дақиқада билим ва тажрибаларини орттириб боришсин. Бошлаган ишларининг келажаги бўлсин. **Суҳбатдош А. БЕРДИМУРОДОВ.**



Шу йилнинг 6 апрел куни

Шайхонтохур туманидаги 254-мактабда туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими ва “Маданий меросни ўрганиш Маркази” ташаббуси билан “Мустақиллик мафқураси ва мактаб” мавзусида “Ватанни севмак иймондандур” илмий-амалий

бўюриб, ушбу анжуманга тайёрлаб келган ўз дастурларини намойиш этишди. Бу дастурлар асосан Ватан, она юртга садоқат ҳақидаги шеър ва кўшиқлар, рақс ва декламациялардан, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни кўрсатиб берувчи сахна асарларидан

“ВАТАННИ СЕВМАК ИЙМОНДАНДУР”

анжумани бўлиб ўтди. Шу куни мактабга тумандаги бир қанча мактаб жамоалари ташриф

иборат эди. Бир мактаб ўқувчилари алла айтиш удумини кўрсатса, яна бирлари “Келин салом”ни, яна бирлари пайров айтиш усулларини намойиш этишди.

Анжуманда иштирок этганлар ўз чиқишлари билан миллий анъаналарга содиқликни тараннум этишди.

СУРАТЛАРДА: “Ватанни севмак иймондандур” илмий-амалий анжуманидан лавҳалар.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.

ТАБИАТ МЕҲРГА МУҲТОЖ

Каттақўрғон шаҳридаги “Ёш табиатшунос ўқувчи-ёшлар” маркази ўз фаолиятини “Қозировот” маҳалла қўмитаси қошида бошлаган эди. Маҳалла, қўшни турар-жойларда табиат шайдоларининг кўпчилигини ҳисобга олиб, Муҳиддин ака Рўзиев кўп ҳаракат қилди ва қўмитанинг иккита хонаси болаларга ажратилди. Бу хоналарда болалар 1981-1988 йиллар ичида ўз ишларини, тажрибаларини олиб боришди. Кейинчалик марказ раҳбари Баҳтиёр ака Нуруллаевнинг елиб-югуришлари билан 1988 йили Каттақўрғон шаҳар босмахонасининг эски биноси ёш табиатшунослар ихтиёрига берилди.

Кейинги йиллар давомида ёш табиатшунослар маркази аъзолари ўз фаолиятларини яхши йўлга қўйиб олишди. Ҳозирда бу ерда аквариум балиқчилиги, қўшчилик, ёш зоологлар, хонаки гуллар парваришловчилар, ўсимликшунослар, паррандачилик, қўёнчилик каби 11 йўналишдаги тўғарақлар иш олиб бормоқда. Ушбу тўғарақларга 560 нафардан зиёд болалар жалб этилган. Улар ўсимликлар оламига мансуб бир қанча қизиқарли тажрибаларни амалга ошириш билан бирга бургут, тулки, чўл эчкиэмари, тўтиқуш каби жониворларнинг 100га яқин турини парваришлашмоқда. Марказнинг мақтовга лойиқ ишларидан яна бири шуки, у ўзининг мактаб ва боғчаларда фаолият кўрсатаётган бўлимларида ҳам ишни яхши ташкил этган. Каттақўрғондаги 5-16-мактабларда, 8-ва 19-болалар боғчаларида иш олиб бораётган бўлимларда кичкинтойлар ҳам табиатга меҳр қўйиб боришмоқда.

— Табиат — инсон ҳаётининг бир бўлаги, — дейди Баҳтиёр ака Нуруллаев. — Уни асраш, ҳимоя қилиш, меҳр қўйиш керак. Бу ишни эса жуда болаликдан бошламасак, йиллар давомидаги хатоликларимизни такрорлайверамиз.

Бу сўзларни марказдаги тўғарак раҳбарлари ҳам, унинг аъзолари ҳам яхши англаб олишган. Шунданми, тўғарак машғулотларига қизиққанлар сони кундан кун ортиб бормоқда. Марказ эса доимо болалар билан гавжум.

К. СОАТОВ.
Самарқанд июляти





Ўзбекистон радиосининг Маориф ва тарбия Бош муҳарририяти ташаббуси билан яқинда муҳарририят соврини учун оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги ўтказилди. Тошкентдаги "Меҳнат ўринбосарлари" спорт мажмуасида илк бор ўтказилган бу мусобақа кутилгандан зиёда бўлди. Ўсмирларнинг жисмонан бақувват ўсишлари учун ўз ҳиссасини қўшган ҳомийлар "Ўзбекгидроқурилиш" трести, Тошкент вилояти касабаси ва спорт жамияти, "Орзу" ишлаб чиқариш бирлашмаси ва республика "Меҳнат ўринбосарлари" спорт жамияти ўз

Алломишнинг издошлари

мукофотларини ажратишди.

Мусобақада ўн бир вазндаги оғир атлетикачилар ўз маҳоратларини синаб кўрдилар. Самарқанд, Тошкент ва Сурхондарё командалари биринчилида фаол қатнашдилар ҳамда энг кўп совринни қўлга киритдилар. Самарқандлик Сухроб Раупов, Икром Нуруллаев, Бахтиёр Бозоров, тошкентлик Элдор Гумеров, Александр Ли, Сергей Мартинов, Юрий Хникин, сурхондарёлик Комил Боязитов, Баҳодир Бўриев, қашқадарёлик Баҳриддин Эргашев, Йигитали Чориев ўз вазнларида биринчи ўринни олдилар. Голиблар ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Уч кун давом этган беллашув ниҳоясига етди. Мусобақа қатнашчилари ва ҳомийлари бу мусобақани доимий анъанага айлантиришга келишиб олдилар. Мусобақа ҳакамлари бир нарсдан жуда хурсанд бўлдилар: беллашувга келган аксарият шангачилар илк бора гиламга қадам қўйганлар экан. Бундан қувонмасдан бўлмайди, албатта. Чунки оғир атлетикачиларимиз сафига янги номлар кириб келди. Масалан, самарқандлик Сухроб Раупов ўз вазнда мутлақ голиб бўлиб, келажакда оғир атлетикачи бўлишини аниқ исботлади. Қашқадарёлик Йигитали Чориев ҳам устозлар нигоҳига тушди. Йигиталига ўхшаш паҳлавонлар бу ерда кўп эди. Бу паҳлавонларнинг парвози баланд бўлишига шубҳа йўқ. Чунки улар Алломишнинг издошларидир.

Х. МИРЗАХМЕДОВ.



ГУЛСАРА МОМОНИНГ ДУОСИ

Мақсуда опа Нурманова мактабимизда болалар ва ўсмирлар уюшмасига етакчилик қилади. Мақсуда опанинг ташаббуси билан "Санъатим-саодатим", "Меҳр-шафқат", "Саломатлик" сингари бир қатор гуруҳлар иш бошлади. Мактабимизнинг талайгина ўқувчилари ана шу гуруҳларга аъзодилар. Улар орасида, айниқса, "Меҳр-шафқат" гуруҳи аъзоларининг олиб бораётган ишлари эътиборлидир. Улар қаровисиз қолган қариялар ҳамда меҳнат ва уруш фахрийлари ҳолларидан хабар олиб туришади.

Яқинда бир воқеа содир бўлди. "Меҳр-шафқат" гуруҳи аъзолари елгиз яшайдиган Гулсара момо

ҳолдан хабар олгани бориганда, момо оғир бетоб этган экан: "Болаларим менинг куним битган кўринади. Улиб-нетиб қолсам, ўлигим бир уй ичида қолиб кетмасин",— дея кўз еш қилибди. Болалар зудлик билан қишлоғимиз шифокори Санамжон Алимовага хабар беришибди. Беморга ўз вақтида ердан кўрсатилди. Гулсара момо тез орада дард кўрмагандек бўлиб соғайиб кетди. "Барака топинглар, болаларим",— дея дуо қилиб, болаларни кўк сомсалар билан сийлади.

Мухаббат ЖУМАОЕВА,
Хоразм вилояти, Гурлан тумани,
Усмон Юсупов номидаги мактаб
ўқувчиси.

Ғайрат бу инсонда бўлган ижобий фазилатларнинг биридир. Мушкул масалаларни ҳал қилишда, дўстлик, иноқ-иттифоқликни, сиёсатни мустаҳкамлашда, халқ ва мамлакат ишларида бу сифатдан азалдан кенг фойдаланишган. Инсонда уч хил — биродарлари ва қариндошларига, турмуш ўртоғига, ўз халқига нисбатан меҳр-муҳаббат, ғайрат мужассамлашган.

Ўз биродарига нисбатан ғайрат шундаки, бунда у улардан олийҳимматлироқ бўлишига интилади. Ҳар соҳада, ҳар ишда ҳиммат кўрсатишга одатланади. Ҳиммат қанчалик баландроқ бўлса, ғайрат ғалабаси шунчалик улуғроқ бўлади.

Маснавий:

Ғайратдан келади қўлга

яхши ном,

Ғайратдан бўлади ҳосил

мурод ҳам.

Шундай деб айтганмиш

бир соҳиби бахт,

Ғайратдан кифтингда келур

тожу тахт.

Умр-йўлдошига нисбатан қилинадиган ғайрат - уни поклик ва ифбатда сақламоққа эришишдир. Шундай қилинганда, бу иш баракотидан эл ҳам поклик билан безаниб, фиску фасод, адоват, ғаразли ўйлардан узоқда бўлинади.

Маснавий:

Эй, ажойиб покиза, покдил

нигор,

Ўзгаларга жилва қилмагил

зинҳор.

Ҳар кўча-куйга қўйиб бўлмас

қадам,
Ҳар кишига кўз сузиб бўлмайди
ҳам.

Қайси офатким кишига юз тугар,
Ўзга сари тикилмоқдин етар.

Арабларда илгари шундай бир одат бўлган. Ҳозир ҳам Ҳижозда мавжуддирки, агарким бирор кимса ўзганинг девори ёки томи соясига келиб ўтирсаю ҳеч нарса сўрамаса ҳам, у кишига иззат-икром билан

ҒАЙРАТ ҲАҚИДА

эътибор берадилар... Бу эса ҳар бир кишига, яъни ўз халқига бўлган меҳр, ғайрат нишонасидир.

Шунингдек, улар ҳайвонларга нисбатан ҳам шундай меҳр-шафқатли бўлишган. Баъзи ҳайвонлар ҳовли ёки ўтлоқларга кириб қолса, уларга заррача озор етказмай ҳимоя қилишган.

Ривоят қилишларича, кунлардан бир кун машҳур подшоҳ Баҳром Гўр ўз тарбиячиси ва устози Нўъмон Манзар билан шикорга чиқади. Бир оху изига тушиб, уни узоқ таъқиб этишади. Ниҳоят, оху сувсираб, Қабиса исмли арабнинг ҳовлисига кириб қолади. Уй эгаси эса уни ушлаб, арқон билан боғлаб қўяди.

Подшоҳ Баҳром Гўр арабнинг ҳовлисига етиб келгач, ўқни камонга

Ёш юракка...

қўйиб: "Эй, уй эгаси, менинг овим сенинг уйингга кирди. Уни дарҳол чиқариб юбор!" — деб хитоб қилади.

Қабиса чавандознинг ким эканлигини билмасди. Шунинг учун қуйидагича жавобни беради:

"Эй, зебо юзли отлик, уйимга паноҳ излаб кирган жониворни ўлдириш учун бировнинг қўлига топширишим инсофдан эмас, камонингдаги таранг тортилган ўшал ўқни кўксимга санчиб ўлдирсанггина охуга эгалик қилишинг мумкин. Бироқ мени ўлдирсанг, қабилам сени ҳам тирик қўймайди, Жонингга раҳм қил ва охудан кеч! Агар хоҳласанг, эшигим олдида боғлоқлик турган отимни эгар-жабдуғи билан сенга бердим. Миниб ўз отинг билан йўлингга равона бўл!"

Баҳром Гўрга уй эгасининг бунчалик жон қуйдириб, охуни ҳимоя қилиши ёқади. Унинг отини олмай қайтиб кетади. Бу воқеадан бир неча кун ўтгач, подшоҳ Баҳром Гўр Қабисани ҳузурига чорлаб ўз хизматига олади. Қабиса шу таҳлит араблар орасида "Мужир-ул-ғизлон" яъни, "Охуларга паноҳ беругчи ва уларни ҳимоя қилувчи" деган ном билан ҳурмат қозонади.

Кишига уйингдан паноҳ

берган чоғ,

Имкони борича сакла, яхши бок.

Ҳимоят қўлини олмагил ундан,

Мардлик билан кутқар уни

мушқилдан.

"Мухтатафот" асаридан.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН тайёрлаган.

КОИНОТ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ

Маълумки, ЮНЕСКО қарори ва Президентимизнинг 1994 йил 19 мартдаги фармонида кўра, 1994 йил — Улуғбек йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Темурийлар сулоласининг муносиби давомчиси ва давлат арбоби, олим ва мунажжим, риёзётчи ва меъмор, фалакиёт илмининг султони Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланади. Бу улуғ санага бағишлаб бизнинг Саида Зунунова номидаги мактабда ҳам талайгина тадбирлар режалаштирилган. Кунги кеча мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Носиржон Болтабоев етакчилигида 7-"В" синфнинг "Зухро" ҳамда 7-"Г" синфнинг "Чўлпон" гуруҳлари ўзаро беллашдилар.

Саҳнада қизлар майин куйга ҳамоҳанг бўлиб рақсга тушишмоқда. Уларга қараб ўйлайсан киши: бу гунчалар аслида рақс учун яратилган.

Пойтахтимизнинг Миробод туманида бундай истеъдодли қизлар кўплаб топилади. Яқинда эса Навоий номи академик опера ва балет театр биносига шу тумандаги рақс санъатига меҳр қўйган қизларнинг "Илҳом чашмалари-94" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

— Кўрик-танлов ўтказишдан

САНЪАТ ГУНЧАЛАРИ

асосий мақсад, фарзандларимизни эстетик завқ-шавқли, нафосатли қилиб тарбиялаш ва улар орасидан санъат гунчаларини танлаб олишдир,— дейди туман халқ таълими бўлими мудири Бахринисо опа Жўрақулова.

110,- 60,- 128-мактаб жамоалари ижросидаги хор қўшиқлари, 85,- 247,- 236,- 344,-

Қизгин мунозара ва баҳслар асосида ўтган бу беллашувда ҳар икки гуруҳ аъзолари пухта билимга эга эканликларини намойиш этдилар. Улуғбекнинг ҳаёти, фалакиёт сирларини очишдаги илми, давлат арбоби сифатидаги фаолияти ҳақидаги саволларга пухта ва аниқ жавоб қайтардилар, "Зухро" гуруҳи аъзолари Мирзо Улуғбек ва унинг содиқ шоғирди, хандаса ва риёзёт илми соҳиби Али Қўшчи, "Чўлпон" гуруҳи аъзолари Феруза сиймоларини жонлантirdилар.

Беллашув якунланди. Ҳакамлар ҳайъати ҳар икки гуруҳ қатнашчиларининг билимдон ва зукколикларини, коинот салтанатининг султони Мирзо Улуғбекнинг ҳаёт ва ижод йўлини акс эттирувчи деворий газета ва альбомлар тайёрлашдаги маҳоратларини ҳисобга олиб 28:28 ҳисоби билан тенг баҳоладилар.

Муборак АБДУЛЛАЕВА,
Фаргона вилояти, Ўзбекистон
тумани, Саида Зунунова номидаги
мактаб ўқитувчиси.

398,- 566,- 567,- 542,- 506-бوغча кичкинтойлари ижросидаги дилрабо куйлар, 147-мактаб вокал чолгу дастаси ижросидаги "Дилором" кўшиги, истеъдодли рақс устаси Малика Мирзаева саҳналаштирган рақслар йиғилганларда катта кизиқиш уйғотди ва улар бир олам завқ олишди.

Ҳакам аъзолари ёш истеъдодларни ҳолисона баҳоладилар.

Шарофат ИСКАНДАР кизи.

Одобли қиз Дилдора

илдорани Тошкент тумани Муқимий номидаги мактаб ўқувчилари ҳам, ўқитувчилари ҳам яхши билишади. Чунки у аъло баҳоларга ўқиш билан Дибрга мактаб жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади. Синфдошларининг фанларни яхши ўзлаштиришларида ўз кўмагини аямайди.

Дилдоранинг бўш вақтлардаги энг яхши кўрган машғулоти — бадий китоб ўқишдир. Баъзан ана шу ўқиган китобларини дўстларига сўлаб бериб, улар билан узоқ муҳокама қилишади. Қизчанинг ўқишга, илм олишга бўлган интилиши, одоби, ахлоқи ўқитувчиларга ҳам манзур.

П. СИЛИН.



Дорбоз бўлмоқчи-ман. Р. АЛЪБЕКОВ туширган сурат.



АЛЛА

...Алла, алла, жоним болам
Ором олгин, алла.
Томирингда мардлар қони
Эслаб қолган алла...

Бешик тебратар она
Фарзандига парвона.
Балки бўлар дилбанди.
Ё Темур, ё Муқанна.

Орзулари бир жаҳон
Улғаяди полапон.
Порлаб турган кўзида
Яшнагай Ўзбекистон.

Дардинг олай, болажон,
Бахтганинг бутун бўлсин.

(Давоми.)

Бошланиши ўтган сонда).

Бозорга нон олиб боргунча,
Бундан кейин ҳам тўрт
томонга олазрак қарайман.
Ишкилиб бирор таниш учрамасин.
Ийманиб, ҳадиксираб юрган
кунларимнинг бирида...
... Яқшанба куними-ей, бир
даста нонни бозор томонга
кўтариб бораётсам, рўпарамдан
рус тили ўқитувчимиз Сора опа
чикиб қолди. Кўришим билан
бўшашиб, қотиб қолдим. У мени
кўриши билан кўлимдаги нонга
караб сўради:

Истиқлол ила келган
Қадамнинг қутлуғ бўлсин.

Бешикда етган мурғак
Онанинг дил армони.
Кулгичларида кулган,
Ватан — Ўзбекистони.

Алла айтай жоним,
Ором олгин, гўдагим.
Эртаси порлоқ юртга
Ҳам тиргак, ҳам керагим.

Мавлуда РИЗОҚУЛОВА,
Қирғизистон Республикаси.
Жалолобод шаҳри, Тўхтагул
кўчаси, 31-уй.

Боқи деган партадошим
бўларди. У лик этиб ўрнидан
турди:

— Муаллим, бунини нон сотиб
юрганини олдинам кўрганман.

Сора опа энди унга бақирди.
— Кўрган бўлсанг нега келиб
айтмадинг? Пионер қандоқ
бўлиши керак? Яшириб юрганинг
учун сен ҳам айбдорсан.

Боқи писиб қолди.
Синфдошларим бўлса хайф сенга
дегандек ёв қараш қилишди. Сора
опанинг дағ-дағаси давом этди.

— Бу нонфурушни шундай
кўйиб бўлмайди. Садкаи кизил

Мен таниган одамлар

Публицистик ҳикоя

— Хали нонфурушмисан?
Қани орқанга қайт. Агар яна
кўрсам, ўзим милицияга
топшираман сени.

Ўқитувчим менга лаънатлар
ўқиб, қолган гапни эртага
мактабда айтаман деб
хўмрайганча, енимдан ўтиб кетди.
Изимга қайтдим. Дарвозахонадан
киришим билан ранги-қутимнинг
ўчганини кўрган онам шошиб
сўради:

— Нима бўлди, болам? Яна
мелиса қувладими?

— Йўқ, — дедим. — Ўқитувчим
кўриб қолди. Олинг бу нониззи.
Энди нонфурушлик қилмайман.

— Ўқитувчинг нон емайди,
— сўради нон узаетган, бувим.
Индамай дастурхон тўла нонни
катнинг бурчагига қўйдим. Онам
тутаб кетди.

— Вой, бу дунёда бунча қаҳрли
одамлар кўп? Айбимиз нимада?
Нон сўтиш ўғирлик эмас-ку...

Онамнинг гаплари бир томон.
Мен учун эса душанба кун
мактабга бориш мотамга айланди.
Омадсизликни қаранг. Душанба
кун биринчи соат Сора опанинг
дарси эди. Не азобда эрталаб
мактабга йўл олдим. Синфга кириб
келган ўқитувчимиз одатий
йўқлама билан иши бўлмай
парталар орасидан мени излади.
Букчайиб ўтиришимга қарамай
кўзи тушиши билан бирдан бақира
кетди:

— Қани, нонфуруш, ўрнингдан
тур.

Бутун бошли синф мен томон
қаради. Сора опа давом этди.

— Кўриб қўйинглар, мана бу
нонфурушни. Бу ўқиш ўрнига
совет пионери шарафига доғ ту-
шириб, бозорда нон сотиб юрибди.
Мақтабимиз шаънига иснод
келтиряпти. Кеча ўзим ушлаб
олдим.

галстук кетсин бунга. Ота-
онасини бугуноқ чақиртирамиз.
Мухокама қилдирамиз. Ҳалитдан
бу пулга ўрганипти. Савдогарлик
қилаяпти.

Дарс қолиб кетиб, менинг
Мухокама бошланди.
Нонфуруш пионер бўлиб,
бошимни эгиб туравердим.
Деярли барча синфдошларим
мени қоралашди. Енимни олувчи
бирорта зот топилмади. Сора опа
хозирик бориб, онамни олиб
келишимни буюрди.

— Синфни бўшат, — деди
бикинимга туртиб. Онам тикиб
берган китоб халтани кўлимга
олишим билан партадошим Боқи
кўлини кўтарди.

— Муаллим, галстугини ечиб
олайми? — кейин тантанавор
кўшиб қўйди. — Бундайларга
сафимизда ўрин йўқ. Менам у
билан бирга ўтирмайман.

— Яхши қиласан, — деди
ўқитувчимиз. — Ечиб ол. Садкаи
кизил галстук кетсин.

Боқи галстугини ечиб олди.
Йиглаб синфдан чикиб кетдим.
Баъзи бир синфдошларим тилини
чиқариб калака қилишди.

Аниқлик киритиш учун яна бир
нарсани эслатмоқчиман. Мен
ўқийдиган мактаб машҳур Мири
Араб мадрасаси орқасида эди.
Тоқи Заргарон билан тоқи
Телпақон оралигида. Ҳозир бу
мактаб йўқ. Мактабдан ташқари
бу ораликда темирчилар растаси,
тароқсозлик дўкончалари, яна
битта катта мадраса бор эди.

Мадрасада асосан алақадан
келган одамлар яшарди. Ёз
кунлари хужраларда яшовчилар
тўда-тўда бўлиб, ер тепиб, ўйинга
тушиб, гармон чалиб, тор кўчалар
бўйлаб юрар, Лаби ховузгача
боргач яна куй остида қийқариб
изга қайтарди. Бу мадраса ҳам

кейинчалик бузиб ташланди.
Демоқчиманки, бу оралик
ҳафтанинг бошка кунларида ҳам
гавжум эди.

Йиглаб бораётсам, таниш
амаки менга кўзи тушиши билан
таққа тўхтаб сўради.

— Нега йиглаясан, жиян?

Ўзимни тўхтата олмадим. Ичи-
киб, ҳиқиллаб йиглашга тушдим.

— Бўлди-бўлди, — деди амаки.

— Қани бу ёққа юр.

Мен учун яхши амаки бўлиб
қолган бу одамни танидим, у киши
маҳалла кўмитасида бош ҳисобчи
бўлиб ишлар, хизмат юзасидан
коммунал уйда яшовчилар
хонадонларига тез-тез кириб
чиқар, бизнинг ховлигача ҳам бири-
ки киелгани, шароитимиз билан
яхши таниш бўлгани учун негандир
мени ўзига яқин тутар эди. Фақат
бугина эмас, Ҳайит кунлари ҳам
бир сўм-ярим сўм хайитлик ҳам
берарди. Афсуски, мен у киши-
нинг исми-шарифини билмасдим.

Амаки шу юришда кўнглимни
кўтариб, бошимни силаб, етақлаб
уйига олиб борди. Кичкина
ховлига бурчагидоғи товук
катагидан сал каттароқ хонасига
олиб кирди.

— Болам, менам ана шу уйчада

Сафар БАРНОЕВ

яшайман. Кўрдингми ахволимни,
— деди амаки, — қани ўтир.
Гапирчи, нима бўлди?

Менинг эса тилимга келгани
шу бўлди:

— Галстугимни ечиб олиб,
синфдан ҳайлашди.

— Вой бўй, — деди амаки, —
жуда оғир иш бўлибди-ку. Энди
нима қиласан?

Мен бундан кўркиб кетдим.
Амакининг афсус билан бошини
сарак-сарак қилиши баттар
довдиратиб қўйди. Сабаби
нонфурушлигим учун деган сўзни
айтишдан ўзимни тийдим.

Амаки кўзларимга тикилиб
туриб бирдан жилмайди. Кейин
қаҳ-қаҳ отиб қулди.

— Болам, битта галстук учун
йиглаб юрибсанми? Сенга айтсам,
мен Бухородаги энг катта бой —
Мирзо Муҳиддиннинг ўгли
бўламан. Моли-мулкимизни
давлат олди. Хонавайрон қилди.
Ўзимизни қамади. Мана, охи-
роқибат, келиб-келиб ана шу
хужрада ижарачи бўлиб
ўтирибман. Қара.

Амаки менга бир кишилик сим
каравотни, тоқчада турган
чегаланган чойнак, пиеласини
кўрсатиб боғидек қулди.

— Шунча моли-дунедан
ажраб, мана шунга эришиб
яшайман-ку. Сен бўлсанг битта
галстук учун ўқиб йиглаб
юрибсан-а. Мен дод солиб
йигласам арзийди. Лекин ким
тинглайди. Кимнинг раҳми келади.
Отамдан қолган уйларда
кўзларини лўқ қилиб
яшайганларнинг раҳми
келадими. Қўй, жиян, худа-беҳуда
йиглаб юрма. Шунга ўрганиб
коласан. Мана мен ўқиб шу ешга
етдим. Сенга ким қўйибди,
ҳозирдан ўқиб яшашни. Йигит
бўл. Йиглоқиларни худоям,

бандасиям хуш кўрмайди. Сенга-
ку, галстугингни қайтариб
беришар, менга отамдан қолган
моли-мулкни ким қайтариб
берилади? Менам сенга ўхшаб кўча-
қуйда йиглаб юрсам, биров
яшавор, дейдими?

Мақтабни тугатиш йилларида
қайтдим. Орадан анча йиллар
ўтди. Бухоро тарихидан шуни бил-
димки, амаки менга елгон
гапирмаган экан. Мирзо Муҳид-
дин деган бой Бухорода бўлган.
Моли-мулкни эса қаердалигини
мен айтолмайман...

Мақтабни тугатиш йилларида
бадантарбия ўқитувчимиздан
бесабаб калтак еб дарсларга
бормай қўйдим. Ариза бериб
муддатидан илгари ҳарбийга
кетишга шошилдим. Ҳар кун
ҳарбий комиссариат дарвозаси
олдида айланиб юраман.
Синфдошларим кўриб қолса
армияга кетаяпман, деб мақтаниб
қўяман. Дайдиш учун бир сабаб
керак-ку.

Мақтаниб юрган
кунларимнинг бирида Назокат опа
деган тил ва адабиёт ўқитувчимиз
кўриб қолди.

— Нима қилиб юрибсан, бу
ерларда, дарсга бормай, — сўради
опа.

— Армияга кетаяпман, —
дедим бўш келмай.

— Ҳамма гапдан хабарим бор,
— деди Назокат опа. — Нима энди
бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт
қўймоқчимисан? — Опа ён-
верига қараб олди. — Физкуль-
тура ўқитувчингни биламан. У
фақат сенга эмас, барчамизга
беписанд қарайди. Аразлаб
юрганингдан кимга фойда. Эртага
ўқишга бор. Ўзим сени химоямга
оламан. Армияга боришинг қочиб
кетмас.

Кўнглим анча кўтарилди.
Назокат опа эртага қайси
дарсни тайёрлаб боришимни
тайинлади. Биринчи бўлиб сендан
сўрайман, деди. То шунгача
қаллада мингта хаёл эди. Ё
армияга кетаман ёки бирор жойга
қочиб нотаниш одамлар орасида
яшайман. Албатта бу болалик
гурури билан боғлиқ бўлса керак.
Эртаси кун синфга борсам
эшик олдида Назокат опа кутиб
олди:

— Келдингми, ўғлим?

Танам бирдан яйраб кетди.
Синфдошларимнинг галати
қарашларига эътибор бермай энг
охирги партага бориб ўтирдим.

Суюкли фарзандимиз Дилшоджон!

Сени туғилган кунинг 9 баҳоринг билан
самимий қутлаймиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик,
ўқишда ва шахсий ҳаётингда омадлар тилаб
қоламиз.

Чехрангдан табассум аримасин!

Сени самимий қутлаб, Собиржон
ШАРОПИДДИНОВлар оиласи.

Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Заркент
қишлоғи, Дўстлик кўчаси, 39-хонадон.

Суюкли дугонам ва опамиз ДИЛЁРАХОН!

Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз.
Доимо ўқиш ва ишларда, меҳр-муҳаббатда бизга
намона бўлиб юринг. Сизни жуда ҳам яхши
кўрамыз.

МУФИДАХОН, ВАҲДАДХОН, ХУРШИДАХОН,
ОЛИЙХОН ВА ГУЛЕРАХОН.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
С. БАРНОЕВ, М. ДАВЛЯТОВА,
Ф. ЖАЛИЛОВА, А. КҮЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъула қотиб/,
Ш. СУННАТОВ, Д. ТУРАХМЕТОВА.

Таъсис этилганлар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁИ МАРКАЗИЙ ҚҮМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқун»
номи билан чиқа бошлаган.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАХРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ-32 УЙ
Напр кўрсаткичи: 64563

Газета ҳафтанинг сешанба кунини чиқади.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г—903. 75244 нусхада босилди. Ҳажми —1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6